



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 30 март, № 63 (8406)

Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХХР ҲУДУДЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони Партқўми котиби Ма Синжуй бошчилигидаги ХХР делегацияси билан ўтказган учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари ва ШУАР ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.



Ўзбекистон ҳудудларида Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида қайта тикланувчи энергетика, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, санаот парклари ва қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари эътибор марказида бўлди. Учрашув аввалида Ма Синжуй ХХР Раиси Си

Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини ҳамда Хитой раҳбари лавозимиға қайта сайлангани муносабати билан йўлланган самимий табриклар учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда 2022 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ва Ўзбекистон — Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида

янги даврни бошлаб берган тарихий саммитнинг сермахсул натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини қуриш лойиҳасини жадаллаштиришда икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларимиз-



нинг Шинжон-Уйғур автоном райони билан, шу жумладан, савдо, логистика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро мулоқот ва алмашилуви фаоллаштириш, ташриф ва бизнес форум-

ларини ташкил этиш, устувор лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради.

Мамлакатимизда бу соҳа изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилдаги нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёхат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижаида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.

Аслида мамлакатимизда бу соҳадаги салоҳият бундан анча юқори. Юртимизга келмоқчи бўлган сайёҳлар жуда кўп. Лекин уларни қизиқтирадиган жойлар ҳақида контент кам, туристларни 4-5 кун олиб қоладиган дастурлар етишмайди. Самолёт ва поездга билетни бир неча ой олдиндан сотиб олишда ноаниқликлар кўп.

Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган шу каби муаммолар танқидий

таҳлил қилиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Узоқ хориқликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси бу — аэропорт. Сўнгги йилларда 5 та янги хусусий авиакомпания ташкил қилинди, авиация паркимиз 44 тага етди. Ўтган йили Самарқанд аэропорти “бешинчи осмон” режимида ишлашга ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 мингга кўпайди.

Лекин ички рейслар тақчиллиги ҳафтаиқа Нукус ва Урганчга 20 тани, Самарқандга 15 тани, Бухоро ва Термизга 11 тани ташкил қиляпти. Шу каби темирйўлда ҳафтасига 68 та қўшимча қатновга, 350 та янги вагонга талаб бор. Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган ва Сурхондарёда сайёҳларга автобус етишмайди.

Шу боис йил якунигача яна 20 та замонавий самолёт олиб келиб, авиакатновларни кўпайтириш бўйича қўрсатма берилди. Жами маҳаллий рейслар сони 2 баравар оширилиб, 100 тага етказилиши, айрим йўналишлар бўйича авиачипта харажатининг бир қисмиға субсидия берилиши айтилди.

Шунингдек, бу йил 8 та электр поезд олиб келинади. Туроператор, меҳмонхона ва ташувчиларга 10 ва ундан ортиқ ўриндикли автотранспортлар олиб киришда божхона имтиёзлари берилади. Қамчиқ довоида микроавтобус, Жиззах довои, Чимён ва Чорвоқда туристик автобус ва микроавтобуслар қатновига рухсат берилади.

Туризмда яна бир муҳим омил бу меҳмонхона. Бу борада кенг имконият яратилгани ҳисобига, сўнгги беш йилда меҳмонхона ўринлари 2 баравар ошиб, 60 мингга етган.

Давлатимиз раҳбари хорижий консалтинг компанияларни жалб қилиб, меҳмонхоналардаги шароитларни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, улар учун қўшимча кредит ресурслари ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда туризм дастурларининг мазмуниға ҳам эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширади.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И АГРАР СЕКТОРНИ ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалға ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маънан ва жисмонан эскирган техникалар ўрниға замонавий ва ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харидини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги ягона тартиби 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жорий қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-7-сон қароридан назарда тутилган субсидиялар барча маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарға таъкиб этилади;

(Давоми 2-бетда).



## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева пойтахтимизнинг Олмазор, Юнусобод ва Сергели туманларида бўлиб, маҳаллалар хотин-қизлар фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибиятлар доимий комиссияси вакиллари билан учрашув ўтказди. Шу аснода кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояға муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди.

### Депутатлар — ҳудудларда

Дастлаб Сенат Раиси Олмазор туманида хотин-қизлар фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибиятлар доимий комиссияси вакиллари билан учрашди. Унда янги тахрирдаги Конституция лойиҳасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат эканлиги белгилаб қўйилган, мажбурий меҳнат таъқиланишининг конституциявий қафолатлари белгиланаётгани, янги нормаларға кўра, таъ-

лим олиш ҳуқуқи ва ўқитувчилар Конституция ҳимоясига олинаётганиға алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, Т. Норбоева Олмазор тумани ҳокими А. Умархонов билан туман халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган “Назорат таҳлил” ҳамда “Услубий таҳлил ва услубий ёрдам кўрсатиш” хоналари фаолияти билан яқиндан танишди.



### Депутатлар — ҳудудларда

## Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда аҳоли билан учрашувлари давом этмоқда. Мазкур жараёнда халқ вакиллари томонидан янгиланаётган Конституция моҳияти фуқароларға атрофлича тушунтириляпти.

Парламент қуйи палатаси депутаты Турсуной Муродованин Анджион вилояти Қорасув шаҳрида жойлашган 27-мусика ва санъат мактабидаги учрашув кўтаринки рўҳда ўтди.

Тадбирда Конституциямиға кўплаб концептуал янги нормалар киритилаётгани, жумладан, 20-моддада инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзаға келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши қафолатланаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўтган

йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишға шароит яратиб берилган эди. Бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси олинган. Яқин 2-3 йилда эса бу рақамни 200 мингга етказиш устида ишланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда хар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманин амал қилиши хар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эға бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.



### Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

## Оролга ҳаёт қайтмоқда



Хизмат сафари билан Қорақалпоғистонға йўл олдик. Ниятимиз — кейинги пайтларда Оролбўйида амалға оширилаётган мисли қўрилмаган ўзгаришлар, табиат ва инсон ўртасида бузилган мувозанатнинг тикланаётгани, ҳудудда содир бўлган улкан экологик фожианин асоратларини юмшатиш борасида олиб бориларган тарихий ишларни ўз кўзимиз билан кўриб қаламға олиш...

Дастлаб Нукус кўчаларини айландик. Тинч ва осуда ҳаёт. Турфа сиймолар, турфа қарашлар... Кимдир оҳиста, кимдир сокин, яна кимдир шиддат билан турмуш ташвишлари ичида сузиб юрибди.



## УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Азалдан илму маърифат, санъату адабиёт, меъморчилиги кўна қадриятлари билан эларо маълуму машҳур Хоразм вилоятида бугун хар жабҳада буй кўрсатаётган яратувчанлик ва юксалиш манзаралари янгиланаётган Ватан қиёфасини ўзида намён этмоқда. Бинобарин, бу қалби дарё, руҳи уйғоқ хоразмликларнинг янги Ўзбекистонни, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғувор максадлар йўлида маҳкам бел боғлаганидан далолат бериб турибди. Нуруний отахонлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирокида кечган самимий мулоқотларда ана шу ҳаётбахш янгиликлар ва истиқболдаги режалар ҳақида сўз борди.

Уларнинг фикрлари билан 3-саҳифада танишасиз.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АГРАР СЕКТОРНИ ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ РАВБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи бўюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида, 2025 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва утилизация йиғимидан озод қилинади ҳамда тадбиркорлик субъектлари эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кунгача бўлган муддатда кечиктириб тўлашга рухсат берилади;

халқаро молия институтлари томонидан лизинг компанияларига ажратилган маблағлар доирасида ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатларини лизингга беришга рухсат этилади;

2. 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами 2,6 триллион сўм йўналтирилсин, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июлдаги ПҚ-335-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштирилган 100 миллион АҚШ

долларидан 2022 йилда ўзлаштирилмасдан қолган 670 миллиард сўм (59 миллион АҚШ доллари) миқдордаги маблағ техника хариди учун 10 фоиз ставкада 10 йилга кредит ажратиш учун;

800 миллиард сўм (70 миллион АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун лизинг ташкилотларига жойлаштириш ҳисобига;

1,1 триллион сўм (100 миллион АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобига.

Бунда: хизмат кўрсатадиган тижорат банклари томонидан лизинг ташкилотларига кредит ажратилишида гаров таъминоти сифатида лизингга бериладиган техникалар ва сугурта полиси қабул қилиниши мумкин;

халқаро молия институтлари маблағлари жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хариддорларга қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржаси йиллик 3 фоиздан ошмаган ставкада 10 йилгача бўлган муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бюртмаси асосида лизингга берилади.

3. Тижорат банклари лизинг компанияларига қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш учун қарз маблағларини гаров таъминоти сифатида сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникасини, кредитнинг бутун даври учун қарз маблағларини

қайтармаслик ҳаттарларидан 100 фоиз гаров сифатида сугурта полисини ёки учинчи шахсларнинг кафилигини қабул қилиш орқали ажратиш тавсия этилсин.

Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда тижорат банклари томонидан гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган сугурта компаниялари томонидан тақдим этиладиган қарз маблағларини қайтармаслик ҳаттарларидан сугурта полиси (шартномасининг) намунавий шаклини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этисин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда сугурта бозорини такомиллаштириш, хавф-хатарларни тўғри баҳолаш, айниқса, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун ресурслар ҳисобига кредитларга нисбатан сугурта операциялари устидан пруденциал назоратни қучайтириш бўйича тақлиф киритсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 1 октябрга қадар маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда кейинги йил учун қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрларини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили тақдим этиладиган қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари ва етказиб бериладиган

қишлоқ хўжалиги техникалари турларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришнинг молиялаштириш манбаларини уларни ажратиш даврлари кесимида шакллантиринсин ҳамда Жамғармадан маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари иловага мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, иқтисодиёт ва молия вазирини Ш.Д.Қуддусов ва қишлоқ хўжалиги вазирини А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 29 март

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мисол учун, Хоразмга хорижий туристлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 баравар кам бормоқда. Лекин Хоразмда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд.

Эки ўтган йили 31 та туман ва 143 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ режими жорий қилинган эди. Бу имтиёزلардан 4 мингга яқин корхоналар фойдаланиб, товар айланмаси 1,5 баравар ошган.

Сайёҳларни кўпроқ вақт олиб қолишга етишмаётган нарса бу қизиқарли дастурлар ва тарғибот. Шу боис йиғилишда бу борада кўмаклашишга 11 та олий таълим муассасаси бириктирилди. Улар 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратди. Улар асосида 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқилди. Туризм ва сервис объектлари ишчилари ўқитилди.

Мутасаддиларга меҳмонхона, маданият, табиат, этно ва гастро-

номик объектларни боғлайдиган туризм кластерлари ташкил этиш, "туристлар учун меҳмондўст муҳит сертифицирати"ни жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўртимизда туризм дастурлари, асосан, апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларига мослаштирилган. Лекин бу мавсумни узайтириш учун етарли имконият бор.

Масалан, қишда Тошкент ва Жиззах вилоятларида чанги, бошқа жойларда ёзда чўмилиш масканларини ташкил этиб, туристик мавсумга яна икки ой қўшиш мумкин. Шунингдек, ёзда 22 та кўриқона, 24 та миллий табиат боғи ва табиат ёдгорликлари имкониятдан ҳам фойдаланса бўлади.

Шу каби манбалар асосида ёзги ва қишки мавсумларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқилиши, туристик мавсум бўлмаган кунларда сайёҳлар учун қизиқарли фестивал ва маданият тадбирлари ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Яна бир масала — мамлакатимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объектлари ва 122 та музей бор. Ёшлар учун адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат каби фанларни ушбу масканларда таш-

кил этиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Бу йил юртимизда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг йиғилиши ўтказилди. Самарқанд 2023 йилда Жаҳон туризм пойтахти бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу йил Ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш йили бўлиши қарақлигини таъкидлади.

Шу мақсадда маркетинг ва реклама билан сайёҳларни жалб қилиш учун 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. "Ўзбекистон ташриф қорғози"ни ишлаб чиқиб, туризм брендини янгилаш, халқаро телеканаллар ва интернет платформаларида Ўзбекистон ҳақидаги реклама роликларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, бу йил 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳларни жалб қилиш, соҳа экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазир ва ҳокимлар, тадбиркорлар ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Ў.А.

БИЗ ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!

Хориждаги Ўзбекистон фуқаролари 30 апрель куни бўлиб ўтадиган Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ҳақида ўз фикрларини билдирмоқда. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлашларини таъкидлашмоқда.

Ватандошлар Конституцияга хорижий давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид нормаларнинг киритилганини оқшилаш баробарида, тўпланган тажрибаларини мамлакатимиз ривожига сидқидилдан қўшишга тайёр эканликларини билдиришаётир.

Акс садо

Жасур РАҲАБОВ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Туризм департаменти раҳбари, ҳамюртимиз (Эрон):



— Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат эволюцион ривожланишнинг мўйини босқичларида ўзининг асосий таъминоти билан устувор йўналишларини белгилайди. Айни пайтда дунёда жадал кечаётган воқеалар, хусусан, турли куч марказларининг геосийсий қарама-қаршилиги, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергия ресурсларининг етишмаслиги, пандемия билан боғлиқ таҳдидлар, шунингдек, илм-фандаги сўнгги ютуқлар, технология ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиши биздан мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни белгилашни талаб қилмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, адолат, сўз ва эътиқод эркинлиги, иқтисодий ҳимоя, қўшни давлатлар билан ташқи сийёсат ва бошқа соҳаларда қатор илчил ислохотлар амалга оширилди. Бу жараёнларнинг тизимли ва ортага қайтмаслигини таъминлаш учун уларни Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйиш ҳаётий заруратга айланмаётир.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Конституциявий қонун лойиҳаси матни билан танишиб, ўнда инсон қадр-қимматига алоҳида эътибор қаратилганига амин бўлдим. Хусусан, лойиҳанинг 20-моддаси қонун ҳужжатларидаги одамлар ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини келиб чиқадиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар шахс фойдасига талқин этилишининг яққол тасдиғидир.

Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар орасида, назаримда, яна бир жиҳат муҳим. Бу — атроф-муҳит муҳофазаси, уни муҳофазаси қилишга эътибор. Муқаддимда экология, Оролбўйи экологик тизимини муҳофазаси қилиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш, шахарсозлик соҳасида давлат механизмининг жорий этиш масаласини кўрсатиш жуда долзарбдир.

Юлдаз САҒАРОВА, Шанхай Халқаро чет тиллар университетининг халқаро алоқалар бўйича докторанти (Хитой):



— Мен кўп йиллардан бери Хитойда таълим олиш мақсадида истиқомат қилиб келаётган бўлсам ҳам Ўзбекистондаги барча янгилик ва ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари орқали диққат билан кузатиб бораман. Ва чет элда яшаётган ҳар бир ўзбекистонлик юртимизда рўй бераётган янгиликлардан доимо хабардор бўлишни лозим, деб ҳисоблайман.

Конституциямизга муайян ўзгариш ва

қўшимчалар киритиш ҳозирги замон талабларидан бири, деб ўйлайман, чунки дунё шиддат билан ўзгариш ва ривожланиш давом этмоқда. Биз ҳам бу жараёндан четда туришимиз имконсиз. Жаҳоннинг илгор тажрибасига таяниб, Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини юксалтириш мақсадида Асосий Қонунимизга тегишли ўзгаришлар киритиш ва улар амалиётга жорий этиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири, деб биламан.

Ҳозирги кунда юртимизда инсон қадр-қимматининг нақадар ортиб бораётганини янгилаётган Бош қоммунизм лойиҳасидан ҳам билса бўлади. Ёшлар масаласига кўрсатилаётган эътибор бўйича ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин.

Шу боис мен 30 апрель куни ўтказилган референдумда фаол қатнашаман. Фурсатдан фойдаланган ҳолда Шанхай шаҳридаги ўзбекистонлик ёшлар ва барча ватандошларни ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашишга чақираман.

Ҳамид ИСМАТУЛЛАЕВ, Дубайдаги ўзбек диаспораси фаоли, тадбиркор, "Worldwide Distribution Center" компанияси бош директори (БАА):



— Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши тарafdориман. Ишончим комилки, бу ўзгаришлар мамлакатни муваффақиятлар сари етаклайди, фуқароларимиз ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ислохотлар аҳоли бандлиги билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланишига, иқтисодиётнинг ривожланишига, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи мустаҳкамланишига олиб келди. Ишончим комилки, Конституциямизнинг янгилиниши бу муваффақиятларни давом эттиришга хизмат қилади.

Демократия ва давлатчиликни мустаҳкамлаш, жумладан, парламент ваколатларини кенгайтириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга доир тақлифларни оқшилайман. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг эркинликларини, жумладан, сўз ва уюшмалар эркинлигини ҳимоя қилишга доир тақлифларни қўллаб-қувватлайман.

Ўйлайманки, Конституцияга киритилган ушбу ўзгаришлар янада адолатли, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган жамиятни барпо этишга хизмат қилади. Бу ўзгаришлар тўғрисида Ўзбекистон янада обод давлатга айланишига ишонаман.

Севара МИЩАНСКАЯ, "Synergy University Dubai" университети талабаси (БАА):

— Ўзбекистон Конституцияси — Асосий Қонун, ammo замонавий дунё шиддат билан ўзгариш бормоқда, бунинг натижасида конституциявий нормаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилиши табиий.

Биз, талабалар Конституциямизга киритилаётган ўзгаришларни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу, бизнинг турмуш даражамизни, шу-




нингдек, таълим сифатини ошириш йўлидаги қадамимиздир.

Таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг марказий бўлини, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши эса Ватанимиз келажига бўлган қизиқишимиз ва масъулиятимиз натижасидир. Бизнинг фаол иштирокимиз бугунги ва келажак авлодлар учун сарможа киритиш баробарида, давлат муваффақиятининг гаровидир.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохот глобаллашув даврида инновацияларга, маданий меросни асраб-авайлашга содиқ миллатнинг шаклланишига хизмат қилади.

Муҳими, таълим соҳасида амалга оширилаётган барча тизимли ва изчил ислохотларнинг бош мақсади — баркамол шахсни тарбиялаш, унинг дунёқарашини замонавий билимлар асосида шакллантириш учун барча шарт-шароитини яратишдан иборатдир.

Жамшид СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Хитойдаги вакили:



— Маълумки, юртимизда кечаётган конституциявий ислохотлар жараёнида мутахассисларимиз томонидан дунёнинг қатор давлатлари конституциялари мукамал ўрганилгани баробарида, халқимиз вакиллари томонидан билдирилган тақлифлар ҳам қучур таҳлил қилинди. Уларнинг асосида Асосий Қонунимизга кўп қатли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди.

Ишонанки, янги таҳрирдаги Конституция янги Ўзбекистонни барпо этиш учун жуда муҳим асос бўлиб хизмат қилади ва олдимизга қўйган улкан мақсадларимизга эришиш шароитларини яратди.

Янгилаётган Конституцияда мамлакатимизда тадбиркорлик, инвестиция, савдо-саноат, ишлаб чиқариш ва шу каби бошқа соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани қувонарли ҳолдир.

Қамолот СОВВОЛДИЕВА, Деҳли шаҳрида жойлашган "Жомия Миллия Илмий" университети тадқиқотчиси (Ҳиндистон):



— Конституциямизда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилаётгани янги Ўзбекистонда биз, ёш авлод вакилларига кўрсатилаётган катта эътибордан, ёшлар сийёсати устувор даражага кўтарилаётганидан далолат беради.

Ёшлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олгани бизга ҳаётда ўзимизни тўлақонли намоён этиш, орзу-хавасларимизга эришиш, она Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш имкониятини тақдим қилмоқда.

Мен жорий йил 30 апрель куни референдумда иштирок этман ва барча тендошларимни ушбу жараёнда фаол қатнашишга даъват қиламан.

«Дунё» АА.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айни жараёнда мутасаддилар "Назорат таҳлил" хонасида мактаблардаги овозли камералар, кириш жойларида ўрнатилган "Face ID" назорат идентификация камералари ва кенг фойдаланиб келинаётган "Kundalik.com" платформалари орқали олинган барча маълумотлар таҳлил қилиниб, мактаблар кесимида ўқувчилар кунлик давомати ўрганилишини қайд этилди.

Сўнгра Сенат Раиси Олмазор туманидаги 298-мактабда ёшларни касбга йўналтириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Бу ерда ташаббускор ёшлар, хусусан, Сенат ҳузуридида Ёшлар парламенти раиси Бекзод Тўхтамурадов тумандаги мактабларда ташкил этилаётган робототехника, инновацион қурилмалар ясашга ихтисослаштирилган марказлар тақдимоти билан таништирди. Қайд этилишича, ушбу марказларда ёшлар 10 дан ортиқ замонавий касбларга ўқитилмоқда. Энг асосийси, мактаб ўқувчилари орасида қизлар доимий фаоллик кўрсатиб келаётгани, уларнинг бир нечтаси жаҳоннинг топ университетларига грант асосида ўқишга қабул қилинганлиги барчани мамнун этди.

Сенат Раиси ташриф чоғида туман ҳокими, маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари билан бирга кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди.

Хусусан, Олмазор туманидаги 2-Файзибаланд кўчасида яшовчи А. Алимбекова хонадонида бўлиб, дилдан суҳбатлашилди. Пировардида жигар хасталигига чалинган айёлга тез орада жароҳлиқ амалиётини ўтказишда амалий ёрдам берилдиган бўлди.

Шундан сўнг Т. Норбоева Юнусов тумани ҳокимлигида маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимлик вакиллари, маҳаллалар фаоллари билан учрашди.

Мулоқот чоғида янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган нормалар мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилди. Хусусан, янгилаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари қучайтирилаётгани, маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципи амалга оширилиб, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти босқичма-босқич, яъни вилоят Кенгашлари учун 2024 йилдан, туман Кенгашлари учун эса 2026 йилдан эътиборан тугатилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, Сенат Раиси Сергели тумани Янги Дархон маҳалласида бўлиб, аҳоли вакиллари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла раиси билан суҳбатлашди. Шу аснода янги таҳрирдаги Конституцияда маҳаллага берилмаётган юксак ишонч ва ваколатлар шарҳланди.

Мулоқотлар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲОЛАТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқор элчиси Р. Трошка, Рига юридик олий мактабининг коррупцияга қарши сийёсат ва бошқарув бўйича лектори, Латвия Сейми (парламенти) собиқ депутати И. Войка, "Делна" ("Transparency International") ташкилотининг Латвиядаги бўлими) уюшмаси лойиҳалар менежери А. Бирупе билан учрашди.

Мулоқот давомида меҳмонларга Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, эришилган натижалар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият курилишининг барча жабҳасида коррупцион омилларга чек қўйишга доир 90 га яқин, шундан бевосита 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари, "Комплеанс назорат" тизими жорий этилган, "йўл хариталари" ва дастурлар доирасида қатор ижобий ютуқларга эришилган.

Учрашувда Ўзбекистон Европа-

даги асосий ҳамкорларидан бири бўлган Латвия билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш масаласига катта аҳамият бериши айтилди. Айниқса, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, икки томонлама ҳамкорлик бўйича салмоқли натижаларга эришаётгани ҳам эътироф этилди.

# ОРОЛГА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

«Халқнинг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини бориб кўр» деган нақлга амал қилиб, бозор айланамиз. Қорақалпоқ халқининг фазилати ҳос бўлган жўмард, мард ва тўғрисўз инсонлар билан дийдорлашдик. Уларни сўхбатга чорладик.

— Сизларни қандай ташвишлар қийнайди, бу ерларда яшаш қийин эмасми? — қитмирлик қилиб саволга тутамиз.

— Ҳаммаси жойида, газимиз бор, чироғимиз бор, бозоримиз тўкин. Бизга яна нима керак?! — дея данга жавоб қайтарди Довудбой деб ўзини танитган оға. — Юртингда тинчлик бўлса ҳаётингга мазмун киради. Қорақалпоқ халқи тинчликни асрагувчи эл.

— Ешим 70 га қараб кетди, — дейди неварасини етаклаб олган Есамурод бобо. — Шу вақтгача бу дунёнинг мен англаган энг тўғри ҳақиқати, бу — тинчлик. Юртуда тинчлик бўлса, сен тинчсан, болаларнинг ёнингда, беҳавотир юрасан, хотиржам яшайсан. Илоҳим, доимо тинчлик бўлсин!

— Бу саволларимизни яна бир қанча қорақалпоқ яқинларимизга бериб, сўхбатини олдик. Деярли барчанинг тилидан шукроналиқ тушмайди. Бу эл одамлари киш ойларида ҳам электр таъминотида узилшиб бўлмагани, иситиш тизимлари, газнинг яхши экани, бозорларнинг тўкинлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапирди. Хайрон қоласан, киши.

Турлича тасаввур ва турфа ўй-фикр билан Қорақалпоғистонга келган биз каби журналистлар учун бу хол чиндан-да, хайратланарли... Агар шу савол бошқа худудлар аҳолисига берилса, нима деб жавоб бера экан?!

Нукусликларнинг жавобларини тинглаб, ҳамкасбим «Тошкентдан Қорақалпоғистонга кўчиб келиб яшайми?» дея ҳазиллашади.

Нукус — Мўйноқ йўли. Йўл юрамиз. Бирхилликка ўрганган шаҳар ҳавосида инсон табиати «хайрат» деган туйғунга баъзан унуттаёзади. Тинимсиз шамолдан жунжиқамиз. «Бу ерларда қандай яшаш мумкин?» Хайлга келадиган илк фикр шу. Бундай иқлимга ўрганмаган вужуд ўзини ҳимоя қилишни истаydi. Бироқ фусункор кенгликлардан кўзингизни уза олмайсиз.

Нукус — Хўжайли — Кўнғирот — Мўйноқ. Бепеён кенглик, машина тизгинсиз қумликлар оша елдек учиб бормоқда. Узок-узоклардан аҳён-аҳёнда чўпон-чўликларнинг ўтовлари, юлғунзорларга улашиб кетган яйдок далалар кўзга ташланади. Қум барханлари билан қопланган сарҳадсиз кенглик шундай хайратомуз жозиба ва гўзаллик касб этганки, табиатнинг мўъжизакор қудратига лол қоласиз. Кўз ўнгингизда поёнсиз ва сукунатга чўмган сахро мозиининг ўқилмаган саҳифаларидан нималарнидир сўзламоқчидек бўлаверди.

Нукусдан Мўйноққа энгил автомашинада икки соатдан ошиқроқ вақт атрофдага етиб бориш мумкин. Халқнинг шунчалик узок ҳойдан қўнин топангани тушуна бўлади. Бир неча асрлардан буён Орол денгизидан балиқ овлаб тирикчилик қилган одамлар қаҳатчилик, очарчиликлардан омон қолган. Бундан 40 — 50 йил илгари ҳам маҳаллий аҳоли фарзандлари ёз кунларида денгизнинг шунчалик ақинлигидан югуриб бориб чўмилиб келишган. Денгиз — бу элнинг турмуш тарзини белгилаган. Одамларнинг эр-ўйларни, қисмати у билан бirlaшиб кетган.

Хар дақиқда қирғоққа келадиган хайбатли кемалар... Туну кун сувдан чиқмай, қуруқлик кўрмай балиқ овлаётган отаю оғалар... Денгизга қараб озуларини айтатган қиз-жувоғлар... Бундай жўшқин ҳаёт — жуда узок бўлмаган ўтмиш бугунги кун авлоди учун худди эртадек.

Хозир эса Орол денгизининг сувини кўриш учун бир неча юзлаб километр масофани босиб ўтишга тўғри келади. Пишкитрон денгиз ўрнини жонсиз сахро, қум тўзонлар эгаллаганига ишонинг келмайди. Саёхатимиздан бироз аввалроқ академик, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси Нагмет Аимбетов билан сўхбатимизда оролшуннос олим бир фикрни айтганди:

— Орол денгизи майдони 1960 йилгача 6,6 миллион гектар эди. Айни пайтда, 5,5 миллион гектар майдонни қуроқчилик эгаллаб, Оролқум сахроси пайдо бўлди. Денгиз қуриши ва шўрланишининг тезлашуви оқибатида сўнгги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди.

Бу ҳолат бугунги кунда нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунё халқларининг ҳам муаммосига айланди. Шу боис ҳамжиҳатликда экинзорлар учун сув ресурсларидан унумли фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш зарур, акс ҳолда ушбу жараён давом этаверарди. Тўғри, экология таъсирини юмшатиш борасида юртимизда кўпга икхобий ишлар амалга оширилмоқда. Қуроқчилик эгаллаган жойларга уруғ сеписи, ниҳол ўтказиш орқали саксовуллар ва табиий черкез, эфедра (қизилча) ўсимликларни кўпайиб бормоқда. Қувонарлиси шуки, айрим жойларда юлғунлар табиий ўсаётганини кўрасиз, лекин улар ҳали жуда кам, — деди олим.

Нагмет Аимбетовнинг маълумотига кўра, айни пайтда Орол денгизи худудларидан дунёда ноёб ҳисобланган артемия системаси йиғиб олинмоқда экан. Бу сисларга қимматбахо ҳомашё сифатида экспорт қилинмоқда. Утган давр мобайнида артемия системаси Хитой, Бъетнам каби кўпга мамлакатларга етакзиб берилган ва бу иш давом этмоқда. Хозирги вақтда бу ноёб маҳсулотни Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилиш устида ишланмоқда.

Артемия системасининг ноёблиги шундаки, у бутун дунёда косметология соҳасида энг бебаҳо маҳсулот ҳисобланади. Табиий равишда терининг иммунитетини мустаҳкамлайди. Дунёда артемия системасидан олинган препаратлар қишлоқ ҳўжалиғи, тиббиёт ва косметологияда кенг қўлланилади.

Бугунги кунда Орол денгизининг катта қисми қумтўз сахросига айланган. Олимларнинг таъкидлашича, ҳар йили атмосферага қуриб бораётган денгиз тубидан 75 миллион тоннадан зиёд чанг ва заҳарли туз-

лар кўтарилиб, 400 километрли майдон бўйлаб тарқалаётир. Худуднинг Фарбдан Шарқ томонга эсадиган қучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу аэрозолларнинг атмосфера юқори қатламларига кўтарилишига ёрдам бераётгани аτροφ-муҳит ифлосланиши оқибатларини янада кучайтирмоқда. Тадқиқотчилар эса ушбу худуддан кўтарилган туз зарраларини Европа ва ҳатто Шимолий муз океанидан топишган. Денгизнинг ҳалокатга ўраши табиатга катта зарар етказмоқда. Минтақада ҳайвонот ва наботот олами генфондининг деярли яримдан қўли, яъни балиқларнинг 11 та, сўт эмизувчиларнинг 12 та, қушларнинг 26 та ва ўсимликнинг 11 та тури йўқ бўлиб кетди.

Сув ресурсларининг танқислиги ичимлик суви сифатининг пасайиши, ернинг ифлосланиши ва яроқсиз холга келиши, биологик хилмаҳилликнинг кескин камайиб кетишига олиб келди. Аҳоли саломатлиги ва генфондининг ёмонлашуви, иқлим ўзгаришлари, эҳтимол шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — буларнинг барчаси Орол денгизининг ҳалокати натижасида юзага келаётган муаммоларнинг бир қисми ҳолос.

Бу — собиқ тоталитар тузум даврида минтақа аҳоли-

бошлайсиз. Яшиллик, бунёдкорлик ишлари буй кўрсатади. Намунали уй-жойлар, замонавий таълим муассасалари, шифоналар, маданият масканлари кўзни қувонтиради. Кимдир экин экомқда, кимдир кўчат ўтказаятир. Хар қадамда янги ишлаб чиқариш цехлари, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари...

Катта бир сахро бағридан ғаройиб замонавий масканга кириб келаётгандек бўласиз. Бу дийрдаги қайноқ ҳаётни, ўзгариш ва янгилианишларни кузатиб, Мўйноқ шунчаки ташлаб қўйилмаган, аксинча, бутун мамлакатнинг эътиборидаги гўша эканига ишонасан...

Мўйноқ маркази — бу ерда ҳам янгилианишлар, бунёдкорлик авжида. Янги, замонавий иморатлар, кўпга тадбиркорлик субъектлари, спорт майдончаларининг қурилганини, бунёдкорликлар давом этаётганини кўриб дилингиз яйрайди. Мўйноқ туманини комплекс ривожлантириш дастури асосида янгидан эликка яқин ижтимоий соҳа объектларида бунёдкорлик ишлари бажарилди. Амфитеатр, маданият саройи, спорт комплекси, Ешлар маркази каби мажмуалар ва кўп қаватли тураржойлар қурилди. Марказий кўчалардаги йўллар таъмирланган, электр энергияси, ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари янгиланди.

Кўчаларни кезиб, ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам содда ва жўмард халқнинг айна-анасига айланган бораётганига амин бўласиз.

Мўйноқда аҳолининг асарият қисми яратувчанлик билан банд. Одамларнинг ҳаётдан умидлари катта. Улар яшаётган жой экологик оғир худуд бўлса-да, маҳаллий аҳолининг олдига қўйган катта мақсадларидан, ҳаракатларидан келажакка улкан ишонч билан қараётганини пайқаш мўшкул эмас.

Бизга боболарнинг сўхбати қизиқ туюлди. Кўпни кўрган, ҳаётнинг бор аччиқ-чўчғини тотган нуни ёмон, дейишдан ҳайқайтмайди. Отаҳонлар билан Оролдан қолган ёдгорлик — «Кемалар қабристонини» га бордик. Бу инсонларнинг узундан-узун, аммо мароқли ҳикоялари, бир китобга ҳам сиймас дардлари бор.

— Бир пайтлар мана шу жойларда денгиз пишиқриб-қурирарди болам, — дейди сарҳадсиз кенгликларга тикилиб неларинидир ҳаёлидан ўтказаятган 80 ёшли Алмаз ота Тубашев. — Орол овулдан кетди, унга қўшилиб балиқлар кетди. Одамлар ҳам кетди. Бир майдон овул ҳўвуллаб қолди. Аммо мен кетмади, киндик қоним шу тупроққа тўкидим. Ота-боболарим яшаган замин бу. Мана, янги даврлар келди, шу билан бирга, умидларимиз ҳам келди, ҳаёт қайта жонланди. Тўғри, энди Орол ортига қайтмаса керак, аммо бу жойлар яна обод бўляпти. Яна гуллар очилмоқда...

Алмаз ота балиқчи эди, аммо ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида денгиз унинг овулидан узоклаша бошлаган, касби ҳам уни тарк этди. Сувлар шўрланди, дарактлар қуриб битди, чакалазорлардан асар ҳам қолмади. Жозибадор табиат ўрнини жонсиз сахро эгаллади. Денгиздан фақат турганга тикилиб сахро ўртасида ҳайкал мисол кўрган кема қолдиқлари мерос бўлиб қолди ҳолос. Буларнинг барчаси унинг кўз ўнгига содир бўлди. Янчали тақдир, янчали манзара. Бир авлод умридан ҳам қисқа даврда денгиз қарийб 200 чакримага ичкарилаб кетди.

Мўйноқда балиқчи йилларида Орол денгизининг тўлиб-тошиб ҳайқирган даврларини кўрган нурунийларни қўлаб ўратиш мумкин. Ергали ота Оразимбетов денгиз учун жон куйдирган ана шундай фидойи инсонлардан.

— Яқин вақтларгача катталги буйича дунёда туртинчи кўл бўлган Орол денгиз табиий захираларга бойлиги билан ҳам машҳур эди, — дейди Ергали ота. — Энг ноёб балиқлардан ташқари, бу ерлар «Қизил китоб»га киритилган ёввойи ҳайвонлардан тортиб, турли қушлар, паррандалар даррандалар макони эди. Оролбўйи Қорақум ва Қизилқум сахроси ўртасида жойлашган наҳотбахш маскан бўлган. Булар энди эртадек туюлади.

Менинг ёшлигим, менинг умрим шу ерларда ўтди. Тўғри, айримлар кўчиб кетди, собиқ иттифоқ замоналарида бир неча минг оила ўзга минтақа ва юртларга ватан тутди. Бироқ кўпчилик ўз аجدодлари хоки қўйилган тупроқни ташлаб кетмади. Шуларнинг орасида мен ҳам борман. Шунқики, дориламон кунларга етиб чорвачилик, паррандачилик, савдо-сотик буйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйдим. Туғилган гўшамнинг гуллаб-яшнаши учун бироз бўлса-да, ўз хиссамини қўшсам — шу менинг бахтим.

Дарвоқе, Орол денгизиде сув тўлиб-тошган, балиқчилик ривожланган, консерва заводга тўлиқ қувват билан турун кун ишлаётган даврларда Мўйноқ тумани аҳолиси 100 мингдан ортқ эди. Денгиз қуриши, экологиянинг бузилиши оқибатида уларнинг асарият қисми бошқа худудларга кўчиб кетди. Хозирги кунда туманда 30 мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади.


Йўлда бизга ҳамроҳ бўлган қорақалпоғистонлик ҳамкасбимиз, фотограф Мўлсад Ҳабибуллаев ҳам Мўйноқ ва Қорақалпоғистон диёри, бу ердаги ўзгаришлар, янгилианишлар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб берди.

— Мўйноқни кўрган келган ҳар бир инсоннинг, табиат шайдосининг хотирасида бу жойлар бир умрга муҳрланиб қолади, — дейди у. — Тўғри, аҳолиси унча бой эмасдир, аммо бу жойларда худди шу денгиздек қалби тоза, бағрикенг одамлар яшайди. Улар бугунги, эртанги кунига ишонади. Ишонч эса амалда олиб борилаётган ўзгаришлар туфайли мустаҳкамланмоқда.

Эндилликда Оролбўйи томонларга сезинг ҳам йўлингиз тушса, бу ерларга қум барханлари билан тўрилган айланма йўллардан эмас, балки Кўнғирот ва Мўйноқни боғлайдиган тўғри, кенг ва раво йўллардан келасиз. Мўйноқликлар билан гурунлашасиз, қалбига сиймас узун ҳикояларини тинглайсиз. Янгилаётган масканларни бир бор кўрасиз. Ва она тарих ўз саҳифаларидан ўчиришга ўринаётган буюк Орол денгизи фусункорлиги яна ўзига қайтаётганига гувоҳ бўласиз.

Айни масканлар 20 йил муқаддам кўрган одам учун томомила ўзгача манзара касб этган. Бу — жаҳон тарихида биринчи марта қуриган денгизнинг қутқарилиши, десак, асло муболага бўлмас.

Аслидин СҮЮНОВ, журналист. Тошкент — Нукус — Мўйноқ — Тошкент



## Хива — ислом дунёсининг туризм пойтахти

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Ислам ҳамкорлик ташкилотининг 11-сессиясида 2024 йилда «Хива — ислом дунёсининг туризм пойтахти» деб эълон қилинди. Очiq осмон остидаги музей шаҳар деб эътироф этиладиган қадимий ва навқирон Хиванинг бундай юксак мақомга муносиб қўрилиши бежиз эмас, албатта. Бундан олдин 2020 йилда «Хива — турк дунёси маданияти пойтахти» деб эълон қилинганга туфайли шаҳарнинг дунё миқёсида доғруғи ошиб, қардош халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланган эди.

Биргина ўтган йили вилоятимизда туризм йўналишига 325 ўринли 5 та янги меҳмонхона, 223 ўринга мўлжалланган 10 та хостел, 136 ўринга эга 16 та меҳмон уйи, 4 та йўлбўйи туризм инфратузилма объекти фойдаланишга топширилган сўзимизга яққол мисол бўла олади. Зийрат туризми объекти сони эса 7 тага етказилди. Натижда 2023 йилда вилоятга ташриф буюрадиган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони 2 миллион нафарга етказиш мўлжалланяпти.

Йўлданюхта воҳода келгуси йил Хиванинг ислом дунёси туризм пойтахти мақомига эга бўлиши муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларга катта тайёргарлик қўриляпти. Аввало, шаҳарнинг туризм инфратузилмасини янгилаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Урганчдан Хивагача йўлбўйи инфратузилма объектлари қурилиши буйича йирик лойиҳа тайёрланяпти.

Бундан ташқари, Ғовуққул ва Шовоат каналли бўйида махсус сайёҳлик зонасини ташкил қилиш, Юсуф Ҳамадоний зияратгоҳини ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олиб борилаётган Бўҳоро — Мискин — Урганч темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси яқунда етгач, кейинги босқичда замонавий, тезорар электропоезлар қатнови йўлга қўйилди. Бу ҳам қадимий шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Ботир САЙДОВ,** Хоразм вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари.

## Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди

Ғуқароларнинг турмуш даражасини юксалтириш, бугундан рози бўлиб яшаш учун қўлай имкониятлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётини ислохотларнинг асосини ташкил қилади. Бу йил эрта баҳордан Хоразмда бу йўналишда яна бир эзгу ташаббусга қўл урилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги «Хоразм вилоятида аҳоли учун муносиб турмуш шaroитларини яратиш ва маҳаллардан инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар ва туманларда 6 минг 792 та уй-жойни таъмирлаш учун етарли маблағ ажратилди.

Ушбу қарор буйича том қисми таъмирланган уй-жойлар 4 минг 695 та, жорий таъмирланадиган уй-жойлар қаттиб уй-жойлар 1 минг 786 та ва кўп қаватли уй-жойлар сони 71 та, янгидан қуриладиган уй-жойлар сони 240 тани ташкил қилади. Шунингдек, 1820 км. тупроқ йўлларга қум-шағал қопламаси етқизилади. Барча қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун 179,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Бугунги кунда дастурда белгиланган ишлар бошлаб юборилди.

Яна бир муҳим масала, 2023 йилда вилоятда 5945 гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилди, аҳолига очiq танлов асосида узок муддатли ижарага берилди ва 40 минг нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди. Бунда, аввало, «темир дафтар», «аёллар дафтери», «ёшлар дафтери» да рўйхатда турган фуқароларнинг деҳқончилик билан шуғулланишлариға имконият яратилди.

Умуман, вилоятимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида маҳаллардан кесимида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилиб, худуд-Мухтасар айтганда, бугун Хоразмда юз бераётган ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнлари халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, юртимизда обод турмушни яратиш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга уйғун, ҳамоханг ҳолда янгича рух, янгича қиёфа касб этмоқда. Ислохотлар самарасини ўз тақдирда, кундалик ҳаётда кўраётган ҳар бир юрtdошимиз қалбиде бугундан розилик, келажакка мустаҳкам ишонч туйғуси мужассам. Зотан, инсон манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланаётган юртимизда ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу.

**Одилбек ОДАМБОВ** («Халқ сўзи») ёзиб олди.

## УЛУҒВОР ИСЛОХОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

ларда микромарказлар ташкил қилиш орқали ишсиз аҳолининг доимий даромадга эга бўлишини таъминлаш чоралари кўриляпти.

### Шерзод БЕРДИЕВ, Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи.

## Тил билган эл билади, касб эгаллаган камолга етади

Институтни тамомлаб, ўқувчиларга математикадан сабоқ бера бошлаганимга 60 йил тўлди. 37 йилдан буён Гурлан туманидаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабига раҳбарлик қилиб келяпман. Узимни бир дақиқа бўлса ҳам жонанжон мактабим, қадрдон ўқувчиларимдан айро тасаввур этолмайман.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида таълим-тарбия тизимида амалга оширилган қатор ислохотларнинг гувоҳи бўлдим. Шунинг аниқ айта оламани, таълимга бугунгидек эътибор қаратилинган, ўқувчи меҳнати ҳозиргидек ўз қадр-қимматини топангани кўрмаганман. Жорий йилга «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном берилиши ва шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар юксак интеллектуал салоҳиятга эга янги авлоднинг тарбиялаб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таълим соҳасидаги янгиликларнинг атиги бир жиҳати ҳақида тўхталмоқчиман. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари томонидан мактаб битирувларига қандай икхота хорижий тил ва битта касб-ҳунарни ўргатиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Хоразм вилоятидаги умумтаълим мактабларида касб-ҳунар ўқув устаноларини ташкил этиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Хар бир маҳалланинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчиларга мактабларнинг ўзиде 64 турдаги касбларни ўргатиш тақлим қилинмоқда.

Мактабимизда 2 та хорижий тил ва 15 турдаги касбларни ўргатиш учун махсус хоналар ташкил қилиниб, ушбу тўғарақларга 7 — 11-синф ўқувчилари жалб этилди. Машгулотларини юқори малака сертификатига эга чет тили ўқувчилари ва номдор уста ҳунармандлар олиб бормоқда. Ўқувчилар дарсдан бун вақтларида касб ўргатиш баробарида шогирд сифатида маълум миқдорда даромад ҳам ишлаб топади. Табиийки, тил билган, касб эгаллаган ёшлар, албатта, ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятимизнинг фалд аъзосига айланиди.

**Анор МАҲМУДОВА,** Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони.

## Рақамли дунё сари дадил қадамлар

Рақамлаштириш жараёни ҳаётимизнинг барча жаҳасини қамраб олган бугунги даврда фақат илм, маърифат ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали жаҳонда муносиб ўрин эгаллашимиз мумкин. Унли санок системасини кашф этиб, инсониятга рақамлар тўғрисида илк тушунчаларни берган алгоритм асосчиси Мухаммад ал-Хоразмийнинг ворислари бугун рақамли технологиялар борасида дунёда ўз макқени эгаллашга маънан ҳақлиқдир.

Болалигимдан ахборот технологиялари соҳасига қизиқман, шу йўналишда кўпга маҳалли ва халқаро семинарларда, ўқув курсларида қатнашганман. Урганч шаҳрида «DATA» номли IT ўқув марказини ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Ўқув маркази 270 та замонавий компьютер қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, умумий ҳисобда 1200 нафарга яқин йилгит-йилгит касбга тайёрлаш сиймигига эга. Эътиборли жиҳати, уларнинг 90 фоизини 25 ёшгача бўлган ёшлар ва 20 фоизини иш билан таъминланмаган қизлар ташкил қилади. Марказимизда нақсон авлод вақиллари веб-дастурлар, андроид дастурлар, видеоонтаж, архитектура ва дизайн, график дизайн, офис дастурларида ишлаш, бухгалтерия, робототехника, компьютер саводхонлиги, мобилграфия каби мутахассисликлар буйича билим олади. Ўқув марказимизни тамомлаган 300 нафардан ортқ ёшлар икхотидаги турли тармоқларида самарали фаолият юритаётир, 100 нафарга яқин битирувларимиз эса фрилансерилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Марказимизда 26 нафар олий маълумотли ўқувчи ва ўрта махсус маълумотли 7 нафар ёш доимий иш билан таъминланган. Хар яқшанба кунин бепул тренинг ва маҳорат дарсларини ўтказамиз. Ўқув марказимизни қангайтириш буйича стартап лойиҳамизга умумий ҳисобда беш миллиард сўм миқдорда грант ажратилди. 2023 йилда IT соҳасида билим олиш ва ишлаш имкониятини яратиб беришни мақсад қилганмиз.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш баробарида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига таҳсил олимпиа. Утган йили Ешлар кунин арафасида камтарона меҳнатим юксак эътироф этилиб, Президентимиз Фармонига кўра «Мард Улиб» давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу рағбат менга янада кўн-ғайрат бағишлаши баробарида зиммамга катта масъулият ҳам юкляпти.

**Шаҳзод СОБИРОВ,** Урганч шаҳридаги «Data Union» МЖК раҳбари.



Сурат: М. Саидов

си манфаатлари ҳамда табиат билан ҳисоблашмай олиб борилган кўр-қўрона сиёсат оқибати.

Уш, бугун ахвол қандай? Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, муаммо қўламининг олдини олиш самара бераяптими? Ҳақли саволлар туғилаверади.

Яқинда, яъни шу йилнинг 22-24 март кунлари Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳида сув масалалари буйича тарихий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда тузилмага аъзо 198 мамлакат қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Мамла

# Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

Депутатнинг навбатдаги учрашуви Хонобод шаҳридаги мусика ва санъат мактабида давом этди. Халқ вакили мулоқот давомида юртимизда амалга оширилаётган изчил ишловлар, шунингдек, Бош қомусимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида йиғилганларга тушуна берди.

Сўз олганлар янгиланаётган Конституция бозор механизмлари ҳамда ҳалол рақобат тамойилларини, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосига айланишини таъкидладилар.

## Инсон шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда Қонунчилик палатаси депутаты Виктор Пак ва Нодир Абдувалиев Асосий Қонунимизга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Янгиланаётган Конституция тараққий этган давлат — янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрафида бутун жамиятимизни жиқслаштириди. Унда барча қатлам манфаатлари инобатга олинган, лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ҳамда илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этгани таъкидланди.

Янги тахрирдаги Конституцияда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққийоти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон «суверен, демократик, ҳуқуқий ва иқтисодий давлат» эканлиги ҳамда ушбу принципал қоидаларни ўзгариши мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, илк мартабада давлат зиммасига аҳолининг иқтисодий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳамда давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини қўриш мажбурияти юкланмоқда.

Депутатларнинг айтишича, Бош қомусимизга қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнат учун адолатли ҳақ олиш, шаҳарсозлик, бюджет соҳасида жамоатчилик назоратини олиб бориш каби ҳуқуқларнинг киритилиши фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини янада қучайтиради.

Тадбир иштирокчилари Конституцияга киритилаётган нормалар ҳақида сўз юритар экан, қонун лойиҳасида инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир ҳамда ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаётганини алоҳида қайд этдилар.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда фуқароларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

## Тарғибот қизгин кечмоқда

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида ҳам янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутаты Мухтабар Хусанова ва бошқалар мамлакатимиз Бош қомуси, унинг аҳамияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Депутат қайд этганидек, янги тахрирдаги Конституцияда ҳар қим ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақдирланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлиги белгиланяпти. Ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Бош қомусимизда ҳар қим агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги ҳам мустаҳкамланмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланганини таъминлайди.

Сўз олганлар Конституциявий қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгаришлар билан инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилганлигини айтиб, Бош қомусимиз то маънода халқ Конституцияси бўлаётганлигини қайд этдилар.

Маданий мерос агентлигида бўлиб ўтган тадбирда ҳам янгиланаётган Конституциявий мазмун-моҳияти кенг тушутирилди.

## Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортмоқда

Худди шундай тадбирлардан бири — Андижон вилоятининг Жалақудук туманида ҳам бўлиб ўтди. Ҳуқуқчилар, таъбиб ходимлари, маҳалла фаоллари, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган тадбирда қуйи палата депутаты Олтиной Мамирова янги тахрирдаги Конституция ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Бош қомусимиз мамлакатимизда ижтимоий, демократик-ҳуқуқий, чинакам халқларар давлатчилик сари ташланаётган дадил қадамлар учун мустақкам асос бўлади. Чунки унда аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириш ва ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш бўйича пухта ва кенг миқёсда ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланмоқда.

— Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортмоқда, — дейди депутат О. Мамирова. — Хусусан, ҳар қимнинг уй-жойи бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошланасига эга бўлиши таъминлаб, кишиларнинг ҳаётини давомлантиришга мусолиҳат олишига хизмат қилади.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутуви қоидалар янада тақомиллаштирилади. Янги давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлаштириши ва таълим олишига қўмақлаштириши, зарур ахборотни тўқсиниқсиз олиш имкониятини таъминлаш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича ҳам қўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топапти. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ортмоқда.



## Муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғин

Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоевнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизгин ўтаётди. Депутат бу жараёнда Бош қомусимизга киритилаётган нормаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушутириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Пайариқ туманларида бўлиб ўтган учрашувларда қайд этилганидек, янги тахрирдаги Конституцияда ҳар қим ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланяпти. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтинчи ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

— Мазкур норма билан маҳаллий даражада вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият функциялари ажратилади. Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашига бошчилик қилиши ҳақида қонундан чиқарилиши, уларнинг Кенгашлар олдида масъулиятини оширишга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгаш ва депутатлар назоратини қучайтиришга йўл очади, — дейди депутат У. Вафоев. — Киритилаётган янгилик халқ депутатлари Кенгашларини худудларда мавжуд муаммоларни ҳал этишдаги асосий бўғинга айлантиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, ҳокимларнинг ўзи қарор чиқариб, ўзи бошчилик қилмайдиган Кенгашларда ушбу қарорларни тасдиқлаш, кейинчалик унинг ижросини назоратга олиш каби амалиётга чек қўйилади. Ушбу янгилик асосида Кенгашларнинг фаолияти, авваломбори, маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, қарорлар қабул қилишга йўналтирилиши, ҳокимнинг фаолияти эса мазкур қарорларни ижро этишга қаратилади.

## Аҳоли саломатлигини асрашга алоҳида урғу берилган

Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова Фарғона вилоятининг Бувайда туманида сайловчилар билан мулоқотлар ўтказди.

Маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари иштирок этган тадбирда янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, унинг мезъорлари нафақат давлат тузumi, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт мезъорларини ҳам белгилаб беради. У замондан орқада қолиб кетмаслигини, шиддат билан олиб борилаётган ишловларнинг бош ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши, тинч ва осуда ҳаётимизнинг кафолати бўла олади.

Янги тахрирдаги Конституцияда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматдан фойдаланиши ҳам киритилган. Янги аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар қўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлим, юкмули касалликлар таҳдидини бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Депутат Асосий Қонунимизга киритилаётган нормалар ҳақида гапирар экан, йиғилганларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб берди. Фаолларнинг ушбу масаладаги фикрлари тингланди.

Бувайда туманидаги маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда ҳам Бош қомусимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида кенг тушуна берилди.

Депутатнинг айтишича, Конституцияда давлатнинг ҳуқуқчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ҳамжўрлик қўрсатиш мажбурияти ҳам қучайтирилмоқда. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 миң нафардан ортқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

## Касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш масаласи — эътиборда

Парламент қуйи палатаси депутати Зулайхо Акрамованинг Жижзах вилояти Мирзачўл туманидаги учрашувлари ҳам қизикarli ҳамда савол-жавоб ва мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда нақд пул, валюта муаммолари ҳал қилинди, қўшни мамлакатлар билан муносабатлар янада яхшиланди. Ва бундай эзгу ишларни узоқ санаш мумкин. Асосийси, бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат хозирги, балки келажак авлодлар ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун уларни, албатта, Конституцияда муҳраб қўйиш лозим.

Янги тахрирдаги Конституцияда дав-

лат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини қўриши мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгилаб қўйилмоқда.

— Бу янги нормалар иш билан таъминланмаган фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олди олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар қўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади, — деди Зулайхо Акрамова.

## Барчаси халқ фаровонлиги учун

Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани марказида “Конституция меники, сеники, бизники. Конституция ўзимизники!” широи остида тарғибот тадбири ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутати Иномжон Қудратов Бош қомусимизнинг мамлакатимизда ҳаётида тутган ўрни, унга киритилаётган янги нормалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳаси устида қизгин иш олиб борилгани, қонун лойиҳаси юзасидан 220 миңдан зиёд тақлифлар келиб тушгани, уларнинг ҳар тўрттавидан биттаси лойиҳадан жой олгани қайд этилди.

— Конституциявий қонун лойиҳаси билан амалдаги Бош қомусимизга 27 та янги модда киритилмоқда, моддалар сони 128 тадан 155 тага, унинг нормалари эса 275 тадан 434 тага қўпаймоқда, — дейди депутат И. Қудратов. — Янги амалдаги Конституция 65 фоизга янгиланмоқда.

Янада эътиборлики, Бош қомусида “шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини кечлаш учун асос бўлмаслиги” ҳам белгилаётганидир. Киритилаётган ушбу қоида халқимизнинг қўп йиллар давомида бошига тушган ташвиш, яъни заррача айби йўқ шахсга нисбатан айбдор сифатида қараш каби собиқ тузумдан қолган сарқитлардан холи этишга қаратилган.

Тадбирда тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла раислари, хотин-қизлар ва ёшлар қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбирлар мамлакатимиз худудларида давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

# Оилавий зўравонлик учун жавобгарлик киритилапти

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъйиқ асосларини тубдан тақомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек, ногиронлиги бор ҳамда ота-онанинг қарамоғида маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## Фикр

Юртимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишловларга қарамай бугунги кунда ҳам оилаларда учраётган аёллар ва болаларга нисбатан маънавий зўравонлик энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Гендер тенглиги қадриятлари юқори даражада фаол тарғиб қилинаётганига қарамай, жамият асрлар давомида шакланган анъаналарга ва айрим салбий турмуш тарзи қонунларига барқарор турибди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Дахшат” ҳикоясидаги воқеаларни эслашнинг ўзи ўзбек менталитетига ўша даврлардаёқ зўравонлик, эркакнинг шафқатсизларча ҳукмронлиги, аёлларга бўлган муомала маданияти нақадар заифлигини кўрсатади.

Бугунги ҳаётимизда ҳам оилавий муносабатларда зўравонлик,

эр томонидан аёл ва болаларнинг таъқирлаб қийноққа солиниши ҳолатлари афсуски, учраб турибди. Қуйидаги рақамлардан ҳам ушбу манзарани яққол кўриш мумкин: 2021 йил давомида қарийб 40 миң нафар аёлларга ҳимоя ордери берилган бўлса, шундан 34 миң 330 таси ёки рўйхатга олинган аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг 87 фоизи оилада содир этилганлиги масаланинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, хозирга қадар “оилавий зўравонлик” тушуқсининг ўзи ҳам мамлакат қонунчилик муҳитида мавжуд эмас ва натижада бундай ҳаракатлар учун ҳақийқ жавобгарлик ёки жазо белгиланмаган эди.

Ушбу масаланинг ҳуқуқий ечи-

шаксини жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш, уларга нисбатан уятсизбузуқ ҳаракатларни содир этиш, вояга етмаган шахс иштирокидаги порнографик маҳсулотни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ жинсий хатти-ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилиши назарда тутилмоқда.

Аҳамиятисиз шундаки, депутатлар қонун лойиҳасини маромига етказишда кенг жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, экспертлар билан бамаслаҳат ишлашди. Хусусан, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси аъзолари, мутахассислар билан ўтказилган маслаҳатлашувлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 126-модда ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59-модда (оилавий (маиший) зўравонлик) билан тўлдирилаётган бўлди.

Халқаро таъриба ўрганилганда маълум бўлдики, оилавий (маиший) зўравонлик учун алоҳида жавобгарлик чоралари Қозогис-

тон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Украина, Молдова, АҚШ, Германия, Франция, Польша каби қўпгаб давлатлар қонунчилигида назарда тутилган. Эндиликда Ўзбекистонда ҳам оила аъзоларини таҳрирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ақратиб қўйиш каби қилмишлари оғирлик даражасидан келиб чиқиб, айбланувчилар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача даражада жарима солинган тортиб, ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилмоқда.

Эътиборли жиҳати, хотин-қизларнинг эҳтиёжларини қўриқувчи ҳимоялашга, опа-сингилларимизнинг қадрини юксалтиришга хизмат қилмайдиган мазкур қонун лойиҳаси нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлиги халқаро даражада ҳам эътироф этилди. Чунки, Президент Администрациясининг ахборот сиёсати бўйича шубҳа мудири Саида Мирзиёева БМТнинг юқори минбаридан туқиб нутқ ирод қилганда ёки Оқ уйда АҚШ Президенти Администрациясининг гендер сиёсати

бўйича Кенгаши масъуллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг билими, салоҳиятини юксалтириш масаласига алоҳида урғу қаратилганидан беҳад қувондик, фخرландик.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз кераки, янгиланаётган Бош қомусимизнинг 26-моддасида “Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қим қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас” дея белгилаб қўйилмоқда.

Бу эса ҳеч бир киши қийноққа зўравонликка дучор этилмаслиги, ҳар қимнинг шахсий дахлсизлиги давлат ҳимоясида эканлиги белгиланиши билан мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир шахс, айниқса, ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва болаларнинг таъйиқ ҳамда зўравонликка учрашининг олдини олишга, уларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиршига ва Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги нуфузи ошишига хизмат қилади.

Умида РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЎМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер терминал ҳақида оператор А. Исмаилов томонидан сақдланади.

Газетанинг подлиграфия ҳақида сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТАХРИРИЯТ:**  
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Муасхих — Ш. Машираббев.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Муасхих — Ш. Машираббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6